

ГУМАНИТАР СОҲА МАГИСТРАНТЛАРИНИНГ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ

Ганиева Гулрух Валижон қизи

Ўзбекистон халқаро ислом академияси, катта ўқитувчиси

Аннотация: Мақолада магистрантнинг жамиятда тутган ўрни, ундаги компетентлик сифатининг шаклланиши, билим, қўникма ва малакаларини ўлчаш ҳамда ташхис қилиш масалалари ёритилган.

Калит сўзлар: диагностика, компетентлик, магистр компетентлиги, психологик тестлар, методика.

КРИТЕРИИ ОЦЕНКИ КОМПЕТЕНТНОСТИ МАГИСТРАНТОВ ГУМАНИТАРНОГО ПРОФИЛЯ

старший преподаватель

Международной исламской академии Узбекистана

Ганиева Гулрух Валиджон дочь

Аннотация: В статье описывается роль магистра в обществе, формирование его компетенции, измерение знание, умение и навыки а также диагностика.

Ключевые слова: диагностика, компетенция, компетентность магистра, психологические тесты, методика.

Хаётдаги деярли ҳар қандай инсоний ҳаракат билим олиш билан боғлиқ десак, муболага бўлмайди, фақат бу билимларни ўзлаштириш уларнинг амалиётда кўллай олиш билан боғлиқдир.

Бироқ, таълим сифати муаммоси бўйича қўплаб тадқиқотлар олиб борилганига қарамасдан, олимлар таълим натижаларини баҳолаш мезонларини ва қўрсаткичларини аниқлаш ва талабаларда компетентликни ривожлантириш бўйича ягона ўлчов бирликлари йўқлигини таъкидлайдилар. Олиб борилган изланишлар ва ўтказилган сўровномаларда олий таълим ўқув жараёнининг аксарият иштирокчилари баҳолаш тизимида туб ўзгаришлар зарурлиги, мавжуд диагностик воситаларини билим хажмига караб эмас, аксинча уни кўллай олиш имкониятларига қараб баҳолаш кераклигини

таъқидламоқда. Таълим муассасалари битиравчиларига қўйиладиган талаблар ўзгариб бораётганини ҳисобга олган ҳолда компетентликни ўлчаш муаммосининг долзарблиги ортиб бормоқда.

Шуни таъкидлаш лозимки, магистратура ўқиши жараёнида анъанавий билимга асосланган таълим концепцияси ҳамон кўлланилиб келмоқда. Бу эса ўз ўрнида магистрларда ижодкорликни, мустақил фикрлашни ривожлантиришга тўсқинлик қиласди, таълим иштирокчиларидан креатив ёндашишни талаб қилмайди. Шу нуқтаи назардан, магистрантларнинг ҳаётда ва кейинги таълимда ўз-ўзини аниқлашга ёрдам берадиган касбий компетенцияларни шакллантириш анъанавий таълим шароитида ҳал қилишнинг имкони йўқлигини англашга имкон беради. Магистратура босқичида тақдим этилаётган билимларни касбий фаолият билан боғланганмаганлиги (ёки етарли даражада эмаслиги) магистрларда ушбу билимларни эгаллашга бўлган мотивацияни пассайишига ва касбига бўлган қизиқиши сўнишига олиб келишига сабаб бўлади. Шу билан бирга таълим жараёнининг барча иштирокчилари таълимда юзага келган муаммоларни ҳал қила оладиган инновацион ёндашувларни топиш зарурлигини таъкидлайдилар.

Охирги ўн йиллик даврда аста-секин олий таълимда ургу мазмундан (билим) қандай компетенцияларни эгаллаши керак(натижа)га ўзгариб бормоқда. Бу шароитда компетентлик ёндашувни магистратура таълим босқичига жорий этиш устувор аҳамият касб этади.

Компетентликка асосланган ёндашув таълимни ислоҳ қилиш учун катта имкониятларга эгалигини қўйидаги олимларнинг фикрларидан кўришимиз мумкин:

- компетентликка асосланган ёндашув ишлаб чиқариш соҳасининг сўровларига жавоб беришга ёрдам беради (Т. М. Ковалева);
- компетентликка асосланган ёндашув ўзгарувчан ижтимоий-иктисодий воқеликка жавобан таълим мазмунининг янгиланиши сифатида намоён бўлади (И. Д. Фрумин);
- компетентлик ёндашуви инсоннинг таълим жараёнидан ташқарида самарали ҳаракат қилиш қобилиятини шакллантиришнинг воситаси сифатида қаралади (В. А. Болотов);
- компетентлик инсоннинг қобилияtlарини турли вазиятлардан самарали чикиб кетишига ва ностандарт масалаларни ечишга тайёрлади (В. В. Башев);



Proceedings of International Scientific Conference on Multidisciplinary Studies Hosted online from Moscow, Russia

Date: 11th December, 2022

ISSN: XXXX-XXXX

Website: econferenceseries.com

- компетентлик бу талабанинг келажақдаги фаолиятга тайёрлик кўрсаткичидир (П. Г. Щедровицкий).

Муаллифлар талабада шаклланган тажрибани билимлар билан бир хилда таълим жараёни натижаси сифатида кўриб чиқиш ғоясини илгари сурдилар. Шу билан бирга, уларнинг фикрларига кўра:

- билиш фаолиятининг тажрибаси билим шаклида қайд этилади;
- фаолиятнинг маълум усулларини амалга ошириш тажрибаси - намунага мувофиқ ҳаракат қилиш кўникмаларида намоён бўлади;
- ижодий фаолиятнинг тажрибаси бу муаммоли вазиятларда ностандарт қарорлар қабул қилиш кўникмалари[1].

Ушбу фикрларни таҳлил қилишимизнинг мақсадларидан бири магистрларни компетентлигини баҳолаш бўйича зарур диагностик воситаларни танлашда тўғри қарор қабул қилишдир.

Магистратура мутахассисликларига қўйиладиган малака талабларида компетенцияларнинг фаоллик компоненти универсал таълим ҳаракатлари ёрдамида амалга оширилади.

Таълим натижаларини талабаларнинг малакаси билан боғлаш ғоясини биринчи бўлиб В. Де Ландшеер[2] билдирган, уни компетентлик ёндашувнинг асосчиларидан бири сифатида эътироф этишимиз мумкин.

Баъзи тадқиқотчиларнинг фикрича "...компетентлик ёндашувининг асосчиси Аристотел эди, у одамнинг ҳолатини ўрганган, у юонча "атере" - "куч", бу холат шу даражада ривожланган ва такомиллашган куч билан ифодаланганки, у ўзига хос шахс хусусиятига айланган"[3].

Кейинчалик, компетенцияларни шакллантириш масалалари ўқитишини индивидуаллаштириш муаммоси, талабаларнинг когнитив қизиқишлигини, уларнинг фаолият хусусиятларини ҳисобга олиш зарурати билан боғлиқ бўла бошлади. Таъкидлаш жоизки, компетенцияга асосланган таълимнинг анъанавий таълимдан ўзига хос фарқи билимларни амалиётга кўллай олиши натижа сифатида эътироф этиш. Шу билан бирга, анъанавий таълимда туб ўзгаришларга эҳтиёж борлигини англаб, хорижий педагогик назария ва амалиётида интеграциялашган сифатларни яхлит шакллантиришнинг методик ёндашувлари пайдо бўлди. Натижада компетенцияга асосланган таълим концепцияси юзага келди (competence-based-education-CBE).

Н. В. Кузмина, А. К. Маркова, В. И. Байденко, Л. А. Петровская, Н.Хомский, А. В. Хоторской ва бошқа олимларнинг ишларини таҳлил қилиш натижасида



Proceedings of International Scientific Conference on Multidisciplinary Studies Hosted online from Moscow, Russia

Date: 11th December, 2022

ISSN: XXXX-XXXX

Website: econferenceseries.com

И. А. Зимняя компетенцияга асосланган ёндашувни шакллантириши уч босқичта ажратиш мумкинлигини кўрсатган[4].

Биринчи босқич - 1960-1970 йиллар. Педагогиканинг илмий аппаратига "компетенция" ва "компетентлик" кириб келиши. Бу давр лингвистика соҳасида олиб борилган компетенция тадқиқотлари билан белгиланади. Ўша даврда Н. Хомский томонидан тил назарияси билан боғлиқ ҳолда "компетенция" тушунчаси таклиф қилинди. Шу тарика "компетенция", "компетентлик", "компетентлик ёндашув" адабиёт ва кундалик ҳаётда кенг кўлланила бошланди.

Иккинчи босқич - 1970-1990 йиллар. Бу давр инглиз олимни Дж. Равен[52] тадқиқотлари билан бойитилган. Дж. Равен ўз тадқиқотларида компетенциянинг батафсил талқинини тўртта қоидалар мазмунида тақдим этган:

- ҳар бир талаба бошланғич компетенцияларга эга ва уларни(компетенцияларни) педагогнинг маҳорати ва маълум педагогик шарт –шароитлари асосида ривожлантириш мумкин;
- эътиборни кўпроқ индивидуал ёндашув асосида шахсни ривожлантиришга қаратиш;
- таълим жараёнида талабаларнинг компетентлигини оширишга қаратилган ўқитиши усусларини қўллаш, масалан лойиҳа усули;
- компетентликни ўлчашда инновацион баҳолаш воситалардан фойдаланиш.

Бу давра кўплаб тадқиқотлар олий таълим битиurvчиси компетенциясини шакллантириш методикасини яратиш амалга оширилган (битиurvчининг компетентлик модели), ушбу моделни ўкув жараёни самарадорлигининг кўрсаткичи сифатида кўллашни Н. В. Кузмина, А. К. Маркова томонларидан [5] таклиф қилинган.

Таъкидлаш жоизки, бу давр таълим сифатини яхшилаш зарурати ҳамда ушбу муаммони ечиш йўларидан бири бу талабаларни ўзлаштириши керак бўлган янги билимлар хажмини қўпайтириш ўртасидаги зиддият билан тавсифланади. Бу муаммони ҳал қилиш йўналиши сифатида рус олимлари А. П. Тряпицына, Н. Ф. Радионова, О. Е. Лебедев ва бошқалар томонидан яратилган таълим концепцияси ишлаб чиқилган.

Шундай қилиб, компетенцияга асосланган ёндашувни шакллантиришнинг иккинчи босқичи, аслида, компетенцияга асосланган таълимни



ривожлантиришда психологик ва педагогик тадқиқотларни фаол амалга ошириш даврига айланди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Краевский, В.В. Предметное и общественное в образовательных стандартах / В.В. Краевский, А.В. Хуторской // Педагогика/ www.eidos.ru/journal/2003/0402.htm.
2. Ландшеер, В. Концепция «минимальной компетентности»/ В.Ландшеер // Перспективы. Вопросы образования. – 1988. – № 1.– С. 32.
3. Зимняя, И.А. Ключевые компетенции как результативно-целевая основа компетентностного подхода в образовании: Авторская версия/ И.А. Зимняя. – М.: Исследовательский центр проблем качества подготовки специалистов, 2004. – 40 с.
4. Зимняя И.А. Компетентностный подход. Каково его место в системе современных подходов к проблемам образования? (теоретико-методологический аспект) // Высшее образование сегодня. – 2006 – № 8 – С. 20–26.
5. Кузьмина, Н.В. Профессионализм личности преподавателя и мастера производственного обучения /Н.В. Кузьмина. – М.: Высшая школа, 1990. – 119 с.
6. Назаров А. С. THE PSYCHOLOGY OF DECISION-MAKING STRATEGIES//Актуальные научные исследования в современном мире. – 2021. – №. 1-7. – С. 79-82.
7. Назаров А. С. и др. ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ РАЗРАБОТКИ И РЕАЛИЗАЦИИ УПРАВЛЕНЧЕСКИХ РЕШЕНИЙ //Актуальные научные исследования в современном мире. – 2021. – №. 2-9. – С. 31-35.
8. Назаров A. Scientific and methodological foundations of the influence of the social and psychological properties of the manager on managerial decisions //Общество и инновации. – 2021. – Т. 2. – №. 4/S. – С. 523-532.
9. Назаров А. Научно-методические основы влияния социально-психологических свойств руководителя на управленческие решения //Общество и инновации. – 2021. – Т. 2. – №. 4/S. – С. 523-532.
10. Назаров А. С., Митина О. В. ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ ПРИНЯТИЯ УПРАВЛЕНЧЕСКИХ РЕШЕНИЙ //Наука и мир. – 2020. –



- №. 12-1. – С. 73-75.
11. Назаров А. С. и др. Психологический анализ уровней принятия управленческих решений и факторов, влияющих на него //Молодой ученый. – 2020. – №. 21. – С. 739-740.
12. Nazarov A. S. RAHBAR FAOLIYATIDA BOSHQARUV QARORLARINI QABUL QILISH TAMOYILLARINI IJTIMOIY-PSIXOLOGIK XUSUSUSIYATLARI //Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences. – 2021. – Т. 1. – №. Special Issue 2. – С. 342-348.
13. Назаров А. РАҲБАРНИНГ ШАХСИЙ КОМПЕТЕНТЛИ ОМИЛИНИНГ БОШҚАРУВ ҚАРОРЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШГА ТАЪСИРИНИНГ ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК ТАҲЛИЛИ.
14. Mengboevich U. B., Sottarovich N. A. SOCIAL AND PSYCHOLOGICAL CHARACTERISTICS OF THE LEADER IN THE IMPLEMENTATION OF MANAGEMENT DECISIONS //Science Time. – 2021. – №. 10 (94). – С. 31-35.
15. Umarov B. M., Nazarov A. S. SOCIO-PSYCHOLOGICAL ASPECTS AND MECHANISMS AFFECTING MANAGEMENT DECISION-MAKING IN THE ACTIVITIES OF THE HEAD //Международный научно-практический электронный журнал «МОЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНАЯ КАРЬЕРА». Выпуск № 29 (том 1)(октябрь, 2021). Дата выхода в свет: 31.10. 2021. – С. 91.
16. UMAROV B. M., NAZAROV A. S. PSYCHOLOGICAL MODELS OF BEHAVIOR OF MANAGERS IN THE PROCESS OF MAKING MANAGEMENT DECISIONS.
17. Nazarov A. S. DECISION MAKING AS A KEY PART OF MANAGEMENT ACTIVITY //Международный научно-практический электронный журнал «МОЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНАЯ КАРЬЕРА». Выпуск № 33 (том 1)(февраль, 2022). Дата выхода в свет: 28.02. 2022. – С. 77.
18. Nazarov A. S. PSYCHOLOGICAL ASPECTS OF MANAGEMENT DECISION-MAKING IN EMERGENCY SITUATIONS //Международный научно-практический электронный журнал «МОЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНАЯ КАРЬЕРА». Выпуск № 34 (том 1)(март, 2022). Дата выхода в свет: 31.03. 2022. – С. 131.

- 
19. Sottarovich N. A., Zilola K. PSYCHOLOGICAL MECHANISMS FOR MAKING MANAGERIAL DECISIONS IN MANAGEMENT ACTIVITIES //Science Time. – 2022. – №. 2 (98). – С. 27-33.
 20. Назаров А. С. ОСНОВНЫЕ ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ ДЕТЕРМИНАНТЫ, ОБЕСПЕЧИВАЮЩИЕ ПРОЦЕСС ПРИНЯТИЯ РЕШЕНИЙ В УПРАВЛЕНИИ //Международный научно-практический электронный журнал «МОЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНАЯ КАРЬЕРА». Выпуск № 36 (том 1)(май, 2022). Дата выхода в свет: 01.06. 2022. – С. 7.